

Азоби тушганда қандай бўларкин?



07:00 / 07.02.2019 3453

Абдуллоҳ ибн Шавзаб айтади: «Сулаймон ҳаж қилди. Умар ибн Абдулазиз ҳам у билан бирга эди. Иккови Тоифга келганда чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбурлади. Сулаймон унинг овозидан қўрқиб кетиб, Умар ибн Абдулазизга: «Буни қаранг, Абу Ҳафс, қандай даҳшат-а!» деди. Умар ибн Абдулазиз ибратомуз оҳангда: «Аллоҳнинг раҳмати нозил бўлаётган пайтда шундай даҳшатли момақалди роқ бўлиб, чақмоқлар чақса, азоби тушаётганида қандай бўларкин?», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан